

Республикаси референдумини ўтказиш куни

Республикамызда көз бера-	япти. Уларга 100 сүмдан	тимиз кимларгадир өкм
етган губ уңгариларын	қоплама пули, 40 сүмдан	гани аён. Улар мустақил
биз қурувчулар ҳам зыйрак-	тушлиқ оғақт пули тўламақ-	дарастагы завол етқаз
қит билан қўлаёт боралп-	да. Ойлик режа ва топиш-	учун бор найрангларини
	риклари 120 фонддан җи-	

...Бугун ўзбек халқи том маънодаги демократиянинг гувоҳи бўлиб турибди. Элимиз кенг имкониятлар билан юзма-юз келгани ва танлаш ҳуқуқига эга бўлгани бугун гувоҳдир. Мана, 29 декабрдаги Президент сайловига ва умумхалқ референдумига ҳақ соқолди кунлар қолди. Ўш, биз ким учун овоз бериб қандай йўл тутсак хатога йўл қўймаган, эртасига тўр кунга назар билан қараган бўлами? Очиғи, сайлов кунги белгиланганидеч кейин ва Президентликка номзодлар курашилгач, ана шундай фикрлар хаёлимни тарқ этмай қолди. Шу ўринда бир нарсани тилга олишни истардим. Биз, кекса авлод вакиллари Улуғ Ватан уруши жангларида қон кечканлар, белоруссини оға, русни ука қилганлар, қирғизини дўст, қозоқни қардош билганлар бир кун келиб бугунгидек «парчала-ниш» юз беришини хаёлимизга келтирмагандик. Ўзбек халқининг гурури, ори бот эдинг фарзанди эканли-ди билан бир кунда қўриқ-қўриқ бўлиб қолганини эсимизда тутишимиз керак. Бундан таъқирли республика раҳбариятига, Президентимиз Ислом Абду-ғаниевич Каримовга тинч ва оқойишта кунларимиз учун раҳматлар айтгимиз ке-рак. Минг шукри, бозор му-носабатларига ўтилмасдан туриб республика халқига ер берилди. Ишлаш, эркин фаолият яратиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Кейинги йилларда айримлар пахта ўзбек деҳқонининг шўри, деган фикрларни тил-гари сурдилар. Менимча, бу масалага бир ёқлама қа-рашнинг маҳсули холос. Хоҳласан-хоҳламасан ана шу неъмат бугун халқимиз жонига оро қирмоқда. Ха-тиқатдан кўз юммаслик ке-рак. Жорий йилда Тошқоқ районида бир кило пахтанин терганлик учун 60 тийинга-ча ҳақ тўланди. Машинада терилган ҳар тоина учун эса 25—30 сўмдан ҳақ олindi. Буларни инкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Режадан олтига, режадагининг беш

тақиллининг халй этилоу ултурмаган меваларини топиш бахтига ҳам муассар бўлашимиз. Шуларни ўйлаб туриб, юқоридаги саволлар-га жавоб топанг саволлар. 29 декабрда — республика Президентлигига сайлов ва умумхалқ референдуми кун-ида жумҳуриятимизнинг том маънодаги мустақилли-ғи учун овоз бермоқчиман.

Қарорим қатъий. Чунки ушз тараққиёт, фаровон келажак ҳақида ҳатто ўй суриш ҳам мумкин эмас. Номзодлардан эса Ислом Каримовни қўт-лаб-қувватлашга аҳд қилдим. Иқтисодиётни оғир кечаётган давлатимизни бугун ана шундай иқтисодорли олим, иқ-тисодчи ва етук сиёсатчиға-гина ишонши мумкин. Бу, албатта, шахсий фикрларим. Нима бўлганда ҳам ана шу фикрнинг асосли эканини вақт, келажак кўрсатади деб ўйлайман.

Р. ХОЛИҚОВ,
Улуғ Ватан уруши қат-нашчиси.

Хўш, пайтда аҳоли энг зарур молат билан т-минлаш гоит мураккаб шиб бормоқда. Иқтисо-тақчиллик озиқ-овқат ма-ддотлари тақсимишни, у-билан савдо қилишни, ий тартибда амалга оши-рини тақозо этайоти. Оэтироф этиш керакки, ш-дай қийин шароитда ҳам рим инфосфси, диенатини ран савдо ҳодимлари эл-риязига чангал солишмо-луяжуда келган мушкул зиятдан ўз манфаатлари-дида фойдаланиб қолишм-да. Ички ишлар органи-ва бошқа текширувчи ки-лотларнинг маълумотла-га кўра халққа сотиш у-акратилган озиқ-овқат м-судотлари яшириб қўй-моқда, устама нархда у-ларга пуллаб юборилга-Шундай ҳолатлар оқиб-да баъзи жойларда одам-белгиланган миқдорда озиқ-овқат молларини ол-май сарсон бўлишанги, табиийки, норозиликка сабаб бўлаётир.

Хўш, қишлоқ жойла-савдо илари билан шун-ланувчи мадбубот жамия-ти, уларнинг район, вил-уки, маҳалла, ниҳоят рес-публика идораси «Ўзбек-тиндаги босқинчи эхо-...

Самарқанд вилоят касбада уюшмалари кенгашининг ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислоҳ Каримов номзодини қўллаб-қувватлашни бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда деҳқончилик саноат уюшмаси ходимлари касба уюшмаси Бўдунгур район кўмитаси раиси Т. Иўдолов, курувчилар касба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси М. Ҳайитов ва бошқалар сўзга чиқиб, Ислоҳ Каримов меҳнатқашларнинг, айниқса деҳқонларнинг оғирини енгил қилиш тўғрисида қайғураётганлигини таъкидладилар. Кейинги икки йил ичиди виллоятда 200 минг деҳқон оиласига иморат қўриш ва шахсий томорага учун қарийб 22 минг гектар ер ажратиб берилди.


Йиғилишда сайлов куни Ислоҳ Каримов номзодини ёқлаб овоз беришга қарор қилинди.

«Иппа» ҳамда «Красный двигатель» заводлари, йиллоят таълаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа қўпгина меҳнат жамоалари йиғилишларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислоҳ Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди.

(ЎЗТАГ).

ви раисининг биринчи ўзи босари А. Мансуров қўпгина жавоб берди:

— Аҳолини кенг қамол моллари, биринчи бағда озиқ-овқатлар билан таъминлаш ҳозирги пай матбуотчиларимиз олд турган долзарб масала соҳнабди. Матбуот жаътлари, район, вилоят уюшмалари, «Ўзбекбирлаш» бошқаруви Ўзбекистон И. публикиси Президенти қондаги Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳоли



13. Президентимиз демократик жаёрайларни қарор топтириш борасида кўрсатётган дадиллик ва ўстиворлик кўп қатори биз бунёдкорларни ҳам мамнун этмоқда. Мустақиллик ҳақидаги баёғоти билан И. А. Камовов элнинг суюкли сарари сифатида жамоатчиликка танилди. Қўлимиз ишга бормайдиган даражага етгандан ижтимоий ҳаёт саҳнасида Ислон Абдуғаниевичнинг пайдо бўлиши нур устига аён нур бўлди. Халқ низоҳат раҳбарга ёлчиди. Мустақиллик унинг номи билан амбарчас боғлиқдир. Эндики вазира Ислон Абдуғаниевич экиб кўқартирган мустақиллик низоҳилин мустарриш қилиб қолди. Бу жаҳан ҳар биринчи даҳадор ва ўз ҳиссамизни қўшмоқчи бўлиш зарур. Мустақилликнинг роҳатбахш самараларидан биз, қурувчилар ҳам баҳраманд бўляямиз. Ишчи хизматчиларимиз ойда 400 сўмга етказиб маош олишяпти. Уларга 100 сўмдан қоплама пули, 40 сўмдан тушлик овқат пули тўламоқда. Ойлик режа ва топшириқлари 120 фонддан оши-

Хозирги пайтда аҳолининг
ин зарур моллар билан таъмин-
ланишда гоҳи мураккабла-
шиб бормоқда. Иқтисодий
аҳолининг озин-овқат маҳсу-
отлари таъминотининг, улар
билан савдо қилишнинг қатъ-
ий тартибда амалга ошириши
тақозо этилган. Оқи-
ятароф эгитиш керакки, шун-
дай қийин шароитда ҳам ай-
нан инсофсиз, диънатини ют-
дан савдо ҳодимлари эл-юрт
иқтисога чангал солишмоқда.

ҳақиқат ҳатто Ғи суриш ҳам мумкин эмас. Номзодлардан эса Исмоил Каримовни қўла-қувватлашга аҳд қилдим. Иқтисодиёти оғир кечаётган давлатимизни бугун ана шундай ictидорли олим, иқтисодчи ва етук сиёсатчи-гина ишонish мумкин. Бу, албатта, шахсий фикрларим. Нима бўлганда ҳам ана шу фикрнинг асосли эканини вақт, келажак кўрсатади деб ўйлайман.

Р. ХОЛИҚОВ,
Улуғ Ватан уруши қат-
нашчиси.

«Кинап» ҳамда «Красный двигатель» заводлари, нилот газлаштириш шўлаб чирани брлашмаси ва бошқа кўпгина меҳнат жамоалари йиғилишларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентиғига Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ). даги Вазирлар Маҳкам.



Фидокорона меҳнат қи...



Шодмон Тўраев билан савдога чиқаришга ажратилган тайёр маҳсулотларни кўздан кечиршишмоқда.

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.

га соладилар. Мустақилликни асраб қолиш ва мустақил камлаш учун ҳар биримиз ун ҳимоямиз остига олишимиз керак. Муқабилиқни мустақкамлашнинг энг мақбул йўли ҳар ким ўз ўрнида ҳалол ва оғли меҳнат қилишидадир. Курувчиларимиз мустақилликнинг томир отиб мустақкамлашидада амалий ишлар билан иштирок этаётларди. Улар қўрилган ишлар чиқаришдадир.

янги техника ва технология-
ни ўзлаштириб ўз касб ма-
ҳоратларини тинимай оши-
риб боришмоқда. Деҳқонбой
Абдуқодиров, Хошимбой Қо-
раёв бошлиқ устаклар.
Набижон Ўринбоев, Ко-
милжон Мамаъазаров, Кен-
жабой Абдуллаев, Нуриддин
Жамолов, Қодиржон Эра-
шев, Мўминжон Жўрабеков
сингари бригада бошлиқлари
мустақиллик йўлида фақат
ҳалол меҳнат қилишга ўтди-
лар. Ха, бугун ақл-қирон
билан чинакамига тер тўкиб
ишлашга фурсат етди. Мус-
тақиллик халқимизнинг мул-
кига айланди.

И. ШАРИПОВ,
Андижон вилояти Асака
ноҳиясидаги хўжаликлар-
аро механизациялашган
кўчма колонна бошлиғи.

дахлдор раҳбарлар, масъул ходимлар тегишлича жазоланмоқда. Масалан, «Узбекиришлув» бошқарувининг кейинги икки мажлисларида вилоятлар матлубот жамиятлари уюмчалари раислари, ўринбосарларининг қишлоқ аҳолисини белгиланган рўйхатдаги озиқ-овқатлар билан таъминлаш борасидаги ҳисоботлари эшитилди ва атрофлича муҳокама қилинди.

Дархонда, шу мажлис-
ларда Сурхондар, Хоразм,
Андижон, Тошкент вилоят
лари матбулот бажиятлари
юшмалари раҳбарларига
жиддий эътирозлар билди-
риди. Аҳоли ҳукумат қаро-
рида белгилан қўйилган
озиқ-овқатлар билан етарли-
ча таъминланмаганини са-
бабли Андижон вилоятыда
савдо базаси директори, бита-
ра район матбулот бажият-
лари уюшмаси расининг
ўринбосари, олти ширкат
ташкилотининг раислари ўз
вазифалиридан четлашти-
рилганликлари ҳақиқатдан

қўчун қабул қилинди. Тошкент вилоятидаги район ва қишлоқ матбулот жамиятлари раҳбарларидан ўн беш нафарни вафизарлардан овоз қилиндилар. Сурхондарё вилоятида эса жимзамисда моддий жавобгарлик бўлган 68 киши ишдан четлаштирилди. Район ва қишлоқ матбулот жамиятлари раҳбарларидан тўрт кишига қатъий ҳафсасан эълон қилиниб, бир масъул ходим лавозимидан овоз этилди. Хоразм вилоятида жимзамисда моддий жавобгарлик бўлган 12 киши

ишдан бошлатилди, матлубот
жамиятларининг беш раҳба-
рига қаттиқ ҳайфсан берил-
ди.

«Ўзбекирлашув» бошқарувининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари А. Муталов қатнашиди ва сўзга чиқди.

«Ўзбекбашлашув»га қарашли матбуот жамиятларида, корхоналарда аҳолига энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини республика ҳукумати қарорлари асосида йўлга қўйиш, бундада тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, турли суниис теъмолларга қарши курашиш соҳасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

С. ХУЖАЕВ.

Фидокорона меҳнат қила- режа ортиғи билан уддалан.

механизацияланган қол-
нама курувчилари. Уш-
айонайдаги жамоалар ўрта-
даги беллашуларда пешна-
қаларда сафида бормоқда.
Иморотларни тез ва соз бит-
заётган, ички имконият-
лардан унумли фойдаланаёт-
ган жамоа белгиланган ре-
жаларни ортиги билан бажай-
аётир. Шу йилнинг ўтган
айларида беш пудрат бўйича
қилинган 214 мунаффақият

ш бажарилиб, бу соҳадаги **М. КОДИРОВ.**



ПЕКНИ. (ТАСС мухбири Владимир Орепин ва Владимир Федоров.) Хитой ССР ва барча республикалар, шу жумладан Россия, Украина, Беларусь, Қозғоғистон билан 1989 ва 1991 йиллардаги Хитой-Совет қўшма бағнотида ғфодалаб берилган қондалар асосида муносабат ўрнатиш ниятидадир. Улар билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатимиз халқлари манфаатларига жавоб бериш билан бйрга, оқибда ва бутун дубеда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга қўмаклашади, деди бутун ХХР тақши ишлар вазирлигининг вакили Дуань Цзинь.

У Хитойлик ва хоржиқлик журналистлар билан учрашда сўзга чиқди, Хитойда Совет Иттифоқи ҳовса-ларининг қандай ривожланётганини диққат билан кузатиш туршиганини таъкидлади. Дуань Цзинь «ўзаро алоқа йўллари очиклигини» айтиди. Биз яқин орада манфаатдор томонларнинг ўзаро масалашувлари натижасида СССРдаги вазият барқарор-лаштишига умид қиламиз, деди у. Хитой тақши сийёси маҳкамасининг вакили ядро курулини назорат этиш масаласида Совет Иттифоқи «ўзига муносиб иш тутади» деган умидни билдириди. У

Совет-Хитой чегарасидаги аҳолини барқарор аҳвол сифатида таърифлади. Хитой тақши ишлар вазирлигининг вакили Тайван билан Украина ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш имконияти тўғрисидаги масалалар жавоб бериш Украина Хитой—Совет қўшма бағнотида қайд этилган халқаро мажбуриятларга амал қилади, деб умид билдираётганини айтиди. У Хитой ҳукуматининг Тайвань Хитойнинг ажралмас қисми эканлиги хусусида тугатган матълум йўлини яна бир бор таъкидлади.

БМТ. (ТАСС мухбири сўнг Вашингтондан қайтиб
Николай Маслов). Мустақил келди ва чоршанба кун
давлатлар ҳамдўстлиги ту- ТАСС мухбирига шуни маъ- фоқи имзолаган мажбурият
тилганлиги ҳақиқисига би- лум қилди. ларни бажариш ҳамдўстли
аъзоларининг иқтисодий
аъзоларини ва унинг ҳақиқ

гим Хамада Беларусы, Россия ва Украина раҳбарлари имло ва ҳаболатнинг матнлари 10 декабр куни АИШ давлат котиби Жеймс Бейкерга топирилди. БМТ ҳузуридаги Беларус доимий вакили Геннадий Буравкин уч республика раҳбариятининг бу топиригини бажаргандан Сепанба куни, деди Г. Н. Буравкин, Қўшма Штатлар пойтахтида давлат департаментининг бир қанча ҳодимлари билан бир соат суҳбат бўлди. Ядро қурулларини бундан кейин ҳам назорат қилиш ва улардан ҳоли зоналарни вужудга келтириш, ҳарбий соҳада Совет Итти-


БОНН. (ТАСС) мушбери
Виктор Чистяков). Германия
Республикаси демократик
касиининг собиқ давлат ва
партия раҳбари Эрик Хонек-
кер Германияга сургун қи-
линдишдан қочиб, Чилининг
Москвада аълоҳонаси ҳов-
лисида яшириди. ГФР Таш-
қи ишлар вазирлигининг
вакили бугун Боннда шуни
маълум қилди.

Немис дипломатининг сўз-
ларига қараганда, чилилик
ҳамкасблар бир кун аввал
қачқурган Германия ташқи
ишлар вазирлиги маҳкамаси
ана шу воқеани хабардор қил-
ган. Германия ташқи иш-
лари вазирлиги Чили ҳуку-
мати мурожаат этиб, Э. Хо-
неккери маъмур мамлакат-
нинг СССРдаги аълоҳонаси-
дан чиқариб юборишни та-
лаб қилди. ГФР Ташқи иш-
лари вазирлигининг вакили
Чили ҳукумати бундан ил-

гари Хонеккерга бу мам-
лакатга кириш учун руҳса-
 bermаганини эслатиб ўтди.
Мабодо у Чили чегарасида-
 ўтқиш урунидан бўлас-
тигини ушланишга уми-
дидирлигини айтди.

Россия раҳбарлигининг ке-
нгин қарорларига бийна-
 79 ёшли Э. Хонеккер рес-
публика ҳудудида шанба
кунигача қиқиб кетмас-
а Германияга сургун қилини-
хавфи бов.

ВАРШАВА. (ТАСС мух-
бири Михаил Малчун). Не-
йинги бир неча ой мобай-
нда қотилиш билан шу-
ғулланган, дўқонлар, хона-
донлар ва айрим фуқарола-
рга неча марталаб қароқчи-
лар ҳужум қилган жино-
ятчилар тўдаси сенбаб ку-
ни Легница Воевода суди
олдида жавоб бера бошлади.
Совет армияси ҳарбий хиз-
матчилари либосини кийган
20 ёшдан 30 ёшгача бўлган
ёш поляклар ҳужжатларни
текишириш баҳонасида хо-
рижлик кишилариин авто-
мобилларини тўхтатиб, қў-
рол билан дўқ-пўписа қилиб
уларни талаганлар. Бу жи-
ноятчилар орасида тўрт аёл
ҳам бор эди. Айбланаётган
12 кишининг ҳаммаси қил-
мишига иқроф бўлди. Жино-
ятчилар тўдасининг бошлиғи-
ни қўлга олинигани йўқ, у
қидирилмақда.



ДПА — ТАСС олган сурат. | ганлигини кўрсатади.

АБУ-ДАБИ. (ТАСС мух
бири Виктор ЛЕБЕДЕВ)
«Галф-Ньюс» газетасининг
таъкидлашча, бу ерга кел-
ган тиш доктори бадавлар
дубайликларга «қўрғон-
нинг Самарқандда тайёрлан-
ган нодир қўлзма нуҳхаси-
ни сотиб олишни тақлиф
қилмоқда.

Газета маълумотларига қараганда, мусулмонларнинг бу муқаддас китобини XIII-XIV асрларда мамлюклар Мисрда ҳукмронлик қилган даврда кўчириб ёзилган. Бу ноёб қўлёзманинг Бирлашган Араб амирликлари

рида пайдо бўлиши тарихи
на унинг қачон кўчириб ёзил-
ганлиги ҳозирча аниқланмоқ-
да. Қўлёзма варақлари че-
тидаги белгилар ҳам ил-
мий аҳамиятга эга. Дуба-
бозорида қўлёзма китоб ҳа-
воасорларида катта қизи-
қиш уйғотди.

Каттагина ҳажмдаги бу китоб одамларнинг хусусий кутубхонасидан сотиб олинган бўлиб, у тахминан 20 йил муқаддам қайтадан тикланган. Китоб жуда қадимий бўлишига қарамай дурустгина сақланган, деъдади газета, бу эса қуръон қўлёзмасини яхши даврлар келишини кутиб авайлаб асраган ўзбекистонлик китоб эъасининг маҳорати дан далолатдир. Қўлёзма нинг чет элга сотилганлиги худди ана шундай вақт келганлигини кўрсатади.

ЎЗИ ТЎҚНИНГ ЭЛИ ТЎҚ

Асли касбим агрономлик, ўн бир йил муваффақият билан қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳини тугатганман. Бироз муддат хўжаликда ўз мутахассислигим бўйича ишладим. Сўнгра турли сабаблар билан бу ишдан кетишимга тўғри келди. 1986—1989 йилларда район матлубот жамиятида хизмат қилдим. Кўпчилик бу ерда ишлагани қандайдир бошқача ўйлайди. Менимча, улар ҳамма ҳам ҳақ эмаслар. Бу жойда меҳнат қилиш, адолат юзасидан айтганда, тадбиркорликка, пухта ҳисоб-китоб юритишга ўргатади.

Мен ҳам шундай ҳислатларни матлубот жамиятида хизмат фаолиятим давомида билдим. Шу даврда Россия Федерациясининг жуда кўп шаҳарларида бўлиб, районимиз меҳнатқашлари, аҳолиси учун қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда ўз ҳиссамини қўшди. Ана шундай сафарларимдан бирида Пенза вилоятининг Кондалар районига Раул Амиров деган татар киши билан танишиб қолдим. Ун беш кун унинг ёнида юрди, фермерлик ишлари билан танишдим. Ўша кезларда бизнинг республикамизда бу ҳаракат эндигина бошланган эди.

Жумҳуриятимиз Президентининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш, аҳолини чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги

фармонлари чиққандан сўнг дарҳол фермер бўлиш, яна хўжалик чорвасини ташкил этиш иштиёқи туғилди. 1990 йил август ойида «Қашқадар» давлат хўжалиги маъмурияти билан шартнома тузиб, 100 минг сўм қарз пули олдим. Бунга жами 80 бош мол харид қилдим. Пензалик танишимдан 30 бош гунажиннинг ҳар бирини 2,5 минг сўмдан сотиб олдим. Бу жониворларнинг ҳаммаси наслдор бўлиб, маҳсулдорлиги юқори экан.

Айни пайтда фермер хўжалигимизда ишлар юришиб кетган. Иккитиришда 60 бош қорамол, жумладан, 25 бош соғин ситир, 30 бош қўй, 50 бош эчки, иккита бия ва шунча қўлул бор. Уларнинг парварishiни талаб даражасида олиб бора-йимиз.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳеч бир янгилик ўз-ўзиндан ҳаётга жорий этилавермайди. Фермерликни йўлга қўйишда районимиз ва хўжалигимиз раҳбарларининг ёрдамлари бекиёс бўлди. Шартномалар тузишда, шартнонни яхшилаб олишда, ишнинг охири хайрли эканлигини тушуниб етишда улар барикенглик қилишди.

Хўш, ишни қандай ташкил этганмиз? Хўжалик билан тузилган аҳдиномага кўра биз маҳсулот етказиб берамиз. Қўрамиздаги чорва молларини ем-хашак билан аса хўжалик таъминлайди. Жорий йил шартномасида биз 100 тонна сут етишти-

риш мажбуриятини олган-дик. Уни ошириб адо этдик: биринчи декабрта қадар 104 тонна маҳсулот етказиб берилди. Шу ўринда мол ўзининики бўлган, ундан кўпроқ сут олиш учун барча чораларни ишга солишга интилиш кучли бўлишини айтмоқчиман. Фермер хўжалигимиз аъзолари ана шунга астойдил ҳаракат қилиб, қувонарли натижаларга эришмоқдалар. Менимча, мўл-кўлчиликнинг биринчи манбон моллар ўз вақтида тўйимли ва сифатли озуқа билан боқилаётганлиги бўлса, иккинчидан, ходимларимизнинг астойдил меҳнатлари ҳисобланади. Шу босдан кўп сут тайёрлаб, болалар боғчаси ва 2 та мактаб ўқувчиларини шундай маҳсулот билан таъминлапмиз. Боғча тарбияланувчиларига ҳафтада икки марта 50 килограммдан сут етказиб бераямиз. Ҳозирга қадар уларга жами 2,5 тонна маҳсулот бепул берилди. Ўқувчиларга ажратилган эса 20 тоннага етди.

Гарчи зиммамизга мажбурият олгандан бўлсак-да, давлат хўжалигига 14 тонна гўшт топшириб, унинг борадаги режаси бажарилишга ўз ҳиссамини қўшди. Хўжалик ҳар килограммининг 4 сўм 90 тийиндан харид қилди. Бундан ташқари маснаминиз — Денов қишлоғи аҳолисига ҳар ойда беш марта мол сўйиб, гўштини бозор баҳосидан арзон нарх-да сотаямиз. Олган қарзимизга келсак, хўжаликка топширилган маҳсулотлари-

миз билан уни тўлиқ ўзиб бўлди. Бинобарин, қарамогимиздаги чорва молларининг ҳаммаси хусусий мулккимиз бўлиб қолди.

Фермер хўжалигини юри-тишининг ўзи бўлмайди, албатта. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув, деганларидек, чорвадорлиқнинг ҳам кўплаб ташвиш ва муаммолари бор. Масалан, қорамолни озуқа билан таъминлаш, молхона қуриш, фермада ишловчиларни маош билан таъминлаш шулар жумласидандир. «Карши-строй» бошқармаси билан арзон гўшт эвазига қурилиш материаллари олиш тўғрисида шартнома тузиб, 200 бош қорамолга мўлжалланган кенг ва ёруғ молхона тиклаб олдик. Узунлиги 100, эни 6 метрлик айвон, сайсхона ҳам қўрдик.

Ҳозир фермер хўжалигимизда олти киши ишлайди. Энг оз ойлик миқдори 400 сўмни ташкил этмоқда. Битта механизатор, битта шо-фер, иккита соғувчи, битта қорювул бор. Намики юмушларини кичик жамоамиз бекам-икуст бажармоқда. Механизатор Бозор Мирзатулов учта тракторни ҳайдайди. Исроил Жўраев эса КамАЗ автомашинасини бошқаради. Дарвоқе, ўзимизнинг иккита Т-28, битта МТЗ тракторимиз, КамАЗнинг бор. Уларга ёқилган эса гўштга алаштириб олаямиз. Соғин ситирларнинг 13 тасини ме-

ханизаторимизнинг турмуш ўртоғи Гулнора Саломатова, 12 бошини Заргул Рустамова соғайди. Соғилган ҳар ки-

лограмм сутга уларга 10 тийиндан ҳақ тўланади. Шунда ойлик маош 400—500 сўмдан тўғри келмоқда.

Республикамиз Президентининг «Дехқон (фермер) хўжаликларини янада мустақамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони бизлар учун бениҳоя катта ёрдам бўлди. Унда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш, бозор иқтисодиётининг ёрдамчи соҳаларини жадал вужудга келтириш, дехқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароит яратиш борасида аниқ йўл-йўриқлар белгилаб берилди. Ушбу фармондан кейин фермер хўжалигимизга ёнгинамиздан 35 гектар майдон ажратиб берилди. Унинг 15 гектарига гаўла аралаш беда, қолганига силос учун макка ва перко экимоқчиман. Перко ҳосили ўриб олинган, ўрнига яна маккажўхори қадалади.

Хуллас, дастлабки қадамларимиз чакки эмас. Йўларда фермерлик кенг йўлга қўйилса, мўл-кўлчиликка эришилиши шубҳасиздир. Шу билан бирга бу соҳада дуч келинаётган муаммоларни вақтида ҳал этиб бориш керак. Шунда бошланган катта ишнинг самараси янада салмоқлик бўлади.

Жўракул ЖУМАЕВ,
Ульянов районидagi «Қашқадар» давлат хўжалиги фермери.



Бегмон Назарқулов узоқ йил Бекобод районидagi «Ғалаба» колхозида пахтакорлик касбини шарафлади. Меҳнатлари муносиб тақдирланди: кўксини орден ва медаллар беади. Ўста заршунос пенсияга чиққан фермерлик хўжалигини ташкил этди. Дастлаб 10 бош қорамол парваришлади. Уч йил ичида уларнинг сонига 60 тага етди. Бегмон ака шу йил охиригача онла аъзода-ри билан 1,5 тонна сут, 15 тонна гўшт топширишга ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: моҳир фермер Б. Назарқулов.

Б. САФАРОВ олган сурат.

ЯГОНА МАҚСАД

Республика Президентининг шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқини ташкил этиш хусусидаги фармони ҳамда шу мақсад учун жорий йилда 1 миллиард сўм миқдорига пул ажратилгани хайрли ишнинг ривожини таъминлади. Қарор асосида районимизда ҳам ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи фаолияти йўлга қўйилди. Янги ташкилотнинг бунёд этилишида қатор қийинчиликларга дуч келганлигини таъкидлаш жоиз. Аммо аста-секин ходимларимизнинг ғайрати туфайли маълум ютуққа эришилмоқда. Қисқа давр ичида очилган «Озод», «Омад», «Бахти» каби кичик корхоналар қишлоқ аҳолисига уй қуриш, уларни таъмирлаш, эчки-роғлар тайёрлаш ишларини амалга оширмоқда. Аҳолидан маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва сотишда ҳам корхона намунали иш олиб бормоқда. Иш қўламини кенгайтириш учун «Шабобда» сутни қайта ишлаш заводи қурилишини жадаллик билан олиб бораёмиш. Унга Абдуғаффор Маширапов етакчилик қилмоқда. Завод ишга тушгунга қадар Фарғона сутни қайта ишлаш заводи билан тузилган шартнома бўйича район савдо шаҳобчаларида сут маҳсулотлари сотиш йўлга қўйилди. Яқинда бунёд этилган «Икар» кичик корхонасига Нуъмон Усмонов бошчилик қилмоқда. Корхона асосан мебелларни таъмирлаш билан шуғулланади. Шу билан бирга аҳолига диван, кресло, шкафлар тайёрлаб сотаётир. «Саховат» корхонаси эса балчиқчилик, парандачилик, нутриячиликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Абдуваҳоб Ёшбеков етакчилик қилаётган бу корхона айни кунларда аҳоли талаблари доирасида иш олиб бораётир.

Рустамжон Акбаров бошчилигидаги «Имконият» корхонасининг вазифаси эса иккитиридаги 30—40 та ҳар хил турдаги хўжалик техникаси билан дехқонлар юмушини енгиллатишдир. Ҳозирги кунда корхона учта нажавали тракторлар сотиб олишга эришди. Аҳоли қўлидаги қорамолларнинг маҳсулдорлигини ошириш кўпчилик жиҳатдан подани сифати маҳсулдор молларни ҳисобига тўлдириб боришга боғлиқдир. Бунинг учун насликларини ривожлантириш керак. Шу мақсадда районимизда 11 та қишлоқ ҳамда битта шаҳар Совети қошида чорва молларига ветеринарий хизмат қўрсатиш бўлимлари очилди. Уларга ишнинг қўлини биладиган ветврачлар жалб этилган. «Чорвачилик» кичик корхонасига айни вақтда Наримжон Умрзоқов раҳбарлик қилмоқда. Жамоа аҳли чорва молларини даволаш, улар зотиани яхшилаш чораларини қўришмоқда. Бундан ташқари районимиз ҳудудида бешта устачилик корхонаси, бешта савдо корхонаси ишлайпти. Аҳолининг нонга бўлган талабини қондириш мақсадида «Новоойчилик» кичик корхонаси қуриш режалаштирилган. Ана шу мақсадда 40 тонна бугдой келтирилди. Иккита тегирмон қурилиши жадал олиб боришмоқда.

Энгелс номли жамоа хўжалиги шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига 60 бош қорамол тарқатилди. Дехқонлар иккитиридаги ортиқча маҳсулотларини Мурманск вилоятига жўнатиш ва сотиш йўлга қўйилди. Ҳудудимиздаги савдо нуқталарида ҳам ана шундай маҳсулотларни сотишга ёрдам берилмоқда. Шу йил баҳорда аҳоли ўртасида бугдой экинни йўлга қўйиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Хўжаликларга 300 килограммдан уруғлик тарқатилди. Аммо қўлга киритилмаётган ютуқлар қаторида бир қатор муаммолар ҳам бор. Биринчидан, аҳолидан сотиб олинаётган маҳсулотларга нақд пул тўлаш лозим. Кишларга узоқ муддатли қарз беришда ҳам ана шундай қийинчиликка йўлқайилмиш. Бундан ташқари қарз олувчи банкка 44 та турли хилдаги ҳужжатлар тайёрланиши лозим. Бу қорғозбалик кишиларнинг ҳафсаласини пир қилмоқда. Бунга тездан барҳам бериш керак.

Яна бир гап. Транспорт хизматисиз ишчимиз ниҳоятда оғир кечмоқда. Вилот раҳбарлари шу масалада ёрдам беришларига умид қилаёмиш. Чунки ҳаммамизнинг ниятимиз бир — эл дардини енгиллатиш, дехқон турмушини яхшилашдир.

У. РУСТАМОВА,

Қува район шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи раиси.

САРКОР ИБРАТИ

Дўрмон — Романт районидagi Наримжон номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги хўшманзара қишлоқлардан бири. Бу ерда уста заршунослар, соҳибкорлар жуда кўп. Ҳалол меҳнат туфайли доврўғ таратаётганлардан бири Истам ака Турсуновдир. У чорак асрдан буён пахтачилик бригадасига етакчилик қилмоқда. Иноқ жамоа бу йил ҳосилдорлигини гектарига 40 центнерга етказди. Қабул пунктларига топширилган хом ашё сифатлигини билан ажралиб туради.

Бригада саркори ҳар бир масалага давлат нуқтан назардан ёндашган, ташаббускорлик қўрсатади. У қўнлар томонидан қўнлар одамлар билан фикрлашиб, шпйон яқинда кичик ферраҳбарлари на мутахассисла-ри уста дехқонлар масала-рига амал қилиб, 200 гектар ерга кузги дон экилар. Де-мак, хўжалик оямборидан гаўла аримайди.

С. БЕШИМОВ.

ҲАММА

МАНФААТДОР

«Анжиконистрой» трестининг Марҳазат районидagi кўма механизациялашган колоннаси қишлоқ бинокорлари иқтисодий ва молиявий мустақиллигини илк самаларидан баҳраманд бўлишди. Улар шу йилнинг бошида ҳамма вақт зарар келтирётган тармоқлараро автомобил колоннасини ўз ҳисобларига олган эдилар. Корхонада унинг ҳақиқий эгаси пайдо бўлиши билан аҳвол бутунлай бағарди.

Умнат ака ёшига нисбатан бироз каттароқ қўринад. У эллик еттига тўлиб, эллик саккизга қадам қўймоқда. Умрининг ўтган даври мобайнида жуда кўп воқеаларни кўрган кечирди. Қатор соҳаларда ишлаб қўрди. Лекин шу ёшга етганда фермер бўлиш насиб этди.

Икки йил гўшт ишлаб чиқарадиган ширкатда ишлаганидан сўнг фермер хўжалиги ташкил этиш фикри туғилди. дейди Умнат ака. — Бу орада республикамиз Президентининг аҳолини чорва моллари ва уларни ем-хашак билан таъминлаш, шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш тўғрисидаги фармонлари чиқиб қолди. Хуллас, 1990 йилнинг май ойида давлат банкидан 150 минг сўм қарз олиб, бозордан чорва моллари харид қилдим.

Ушунда унинг ҳаракатларини кўриб аябланганлар, устидан кулганлар ҳам бўлди. Лекин Умнат ака уларга парво қилмади. Бутун вужуди билан ишга киришди. Шу ўринда район ва хўжалик раҳбарларининг ёрдамлик таъкидлаш лозим. Давлат хўжалиги молхона ажратиб, зарур шарт-шароит яратишда кўмаклашди. Айниқса, ем-хашак жиддий муаммо эди. Хўжалик бу борада мадад қўрсатди. Шу тариқа Умнат аканинг фермер хўжалиги оёққа тура бошлади.

Янгича ишлаш тезда ўз самарасини бера бошлади. Орадан кўп ўтмай, яъни июнь ойидан бошлаб сут

Автоколонна жамоаси аттиги ўн бир ой ичида қарийб 120 минг сўм фойда қилди. Энг муҳими корхона барқарорроқ ишлайдиган бўлиб қолди. Автомобилларнинг гўхтаб қоллиши, юк ташинидаги, жумладан нишотлар қурилишидаги узиллишлар анча камайди. Ҳайдовчилар ҳам, ремонтчилар ҳам, бинокорлар ҳам ишга яхши муносабатда бўла бошладилар. Натижада бундан ҳамма манфаатдор бўлди.

топширишга киришдилар. Давлат хўжалиги билан тузилган шартномага кўра улар маҳсулот етиштириб беришди. Эвазига ем-хашак, техникадан ёрдам олишди.

— Жорий йилни қизғин меҳнат билан бошладик, — дея давом этди Умнат Шойматов. — Чунки бу даврга келиб ишларимиз анча юришиб кетганди. Хўжалигимизга қизқиш кучайди. Бекор юрган уч кишини ишга қабул қилдим. Қишлоқ учун етарлича ем-хашак жамғарганимиз туфайли қийинчилик бўлмади. Қиш ойларида, эрта баҳорда говишлар маҳсулдорлиги пасаймади. Энг муҳими, хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси астойдил меҳнат қилди.

Шу тариқа давлатга йил бошидан сифатли ва кўп миқдорда сут топширила бошланди. Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида 138 тонна маҳсулот сотилди. Бу чоғроқ колхоз ёни сов-



хоининг режасига тенг. Бундан ташқари фермер хўжалиги олти ойдан бери болалар боғчасини бепул сут билан таъминлаб келмоқда. Бугунга қадар банкдан олган қарз пулининг 120 минг сўми узилди. Бу қарз уч йиллик шартнома билан олинган. Уни узилганин сўнг-

соғин аппаратларини ва гўнг чиқарувчи механизмни бор-йўғи 3,5 минг сўмга харид қилгандим. Ҳозир кам деганда 10—12,5 минг сўм туради. Ўзининг техника парчимизни бунёд қилмоқчимиз. Яқинда Тошкентта бо-ри, республика Деҳқончи-лик-саноат мажмуини мод-

киши меҳнат қилапти. Ишловчиларга 300 сўмгача маош берилмоқда. Ойиларнинг озиқ-овқатлари харажатларини Умнат Шоймов кўтармоқда.

Фермер хўжалигидаги ишларни Умнат аканинг ўкаси, география муаллими Думар Шоймов юртгазяп.

қатори Умнат акани ҳам бе-ниҳоя қувонтирди. Алоҳида қарор қабул қилингани уларнинг иши муҳим ва фойдали эканлигини кўрсатади. Фармон эътибордан четда қолиб келаётган муҳим соҳани оёққа турғизиб ва ривожлантиришда муҳим омили бўлди. Шу йил декабрнинг бошларида Илҳич районидagi Шароф Рашидов номли давлат хўжалиги маъмурияти Умнат Шоймов бошлиқ «Бахмал» фермер хўжалигига 37 гектар сўғорилмаган майдон ажратиб берди. Эндиликда улар мустақил равишда ем-хашак етиштириб, озуқа базасини мустақамлаш имкониятига эга бўлилар. Негаки, ҳозирга қадар давлат хўжалигидан олиниган емиш қимматга тушиб, таннароқ юқори бўлаётганди. Бундан буён уни арзонлаштириш мумкин.

Фермер хўжалиги бошлигининг ниятлари катта. 1992 йилда мантаб ўқувчиларини ва болалар боғчаси тарбияланувчиларини бепул сут билан таъминлаш қўланган. Шунингдек, қимиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У район шифохонасига топширилади. «Бахмал»нинг дастлабки одимлари унинг келажак порлоқ эканлигидан далолат беради.

Э. ИБРОҲИМОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Моллар яйловда. 2. «Бахмал» фермер хўжалиги бошлиғи Умнат Шоймов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

«БАХМАЛ»НИНГ ИЛК ОДИМИ

ги муддати 1992 йилнинг май ойи. Лекин Умнат ака келгуси йилнинг биринчи чорагидека қўнимоқчи.

— Узебекистонимиз мустақил деб эълон қилинган йилда фермер хўжалиги ҳар томонлама ривожланиб, мустақамланди. Қатор қурилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, узунлиги 40 метр бўлган молхона асосан битказилди. Унга соғин механизмларини ўрнатиш қолган, холос. Шунингдек, 80 метрлик айвон барпо этилди.

— Ускуна ва механизмлар арзон пайтида олинган, — қувончини яширмади Умнат ака. — 100 та

дий-техникавий таъминлаш ва техникани таъмирлаш давлат қўмитаси билан 500 минг сўмлик машина ва механизмлар олиш юзасидан шартнома тузилди. Тўғри, ҳозирги пайтда уларнинг нархи тобора кўтарилмоқда. Масалан, беда ўрадиган чет эл комбайнининг баҳоси 200 минг сўм экан. Унга президентлик солиғи қўшилган. Уни иккита фермер биргалашиб олаямиз.

Айни пайтда фермер хўжалигига 75 бош қорамол, жумладан, 45 бош соғин ситир, 200 бош қўй, 5 бош йилқи парваришланмоқда. Бу ерда етти оиладан жами 13

ти, У — бригадир. Бошлиқ йўқ пайтларда иш нисбатини текширади, маслаҳат ва ёрдам беради. Бош чўпон Маъмур Яхшибоев, унинг ҳамкасиб Адхам Жўраев, механизаторлар Олим Шоймилар, Маъмур Жўраев, соғувчилар Зайнаб Яхшибоева, Адолат ва Қўндуз Шоймиева, Олмажон Жўраева, бузоқбоқар Санобар Жўраева, ишчи Муҳаббат Жўраева зиммадаги топшириқни библи-билиб бажаришди. Уларга бирон-бир танбех беришининг ҳожати йўқ.

Республикамиз Президентининг фермер хўжаликларини янада мустақамлаш тўғрисидаги фармони барча



